

**“Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан “Ассалом,
Наврўзи олам!” мавзусида ўтказилган тадбир буйича
амалга оширилган ишлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 20 февралдаги “2016 йилги “Наврўз” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 45-сонли буйруғи ҳамда марказнинг 2016 йил иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 февралда “Марказда “Наврўз” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Мазкур буйруқ асосида марказда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг март-апрель ойлари “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” деб эълон қилиниб, 12 март куни марказ ходимлари иштирокида марказда умумхалқ хайрия хашари уюштирилди.

Шунингдек, юртимизда шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам ҳисобланган “Наврўз” умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш ҳамда марказ педагогик жамоаси ва ўқувчилари ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ҳамда уларда миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини янада кучайтириш мақсадида марказ тўғарак аъзолари ўртасида жорий йилнинг 17 март куни “Ассалом, Наврўзи олам!” мавзусида байрам сайли ўтказилди.



Мазкур сайлда марказда фаолият юритаётган “Либослар дизайни”, “Мунчоқли безак”, “Бичиш-тикиш”, “Фольклор” рақс, “Ёш қандолатчи” тўғарак аъзолари томонидан миллий таомлар танлови ўтказилди ҳамда мазкур танловда иштирокчилар уч йўналишдаги (“Энг яхши миллий таомлар дастурхони”, “Энг яхши лаззатли таомлар дастурхони” ва “Энг яхши баҳорий таомлар дастурхони”) номинацияларда баҳоланиб, марказнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, “Либослар дизайни” тўғараги ўқувчи қизлари томонидан тайёрланган либослар тақдимооти, шунингдек, тўғарак аъзоларининг билим ва салоҳиятларини аниқлаш мақсадида “Шахмат” мусобақаси, “Армрестлинг” спорт ўйини ҳамда арқон тортиш мусобақалари ҳам ташкил этилди. “Ёш

мусаввир” тўгараги аъзолари эса миллийлигимиз акс эттирилган расмлар орқали ўз иқтидорларини намойиш этишди.



Мазкур миллий ва спорт ўйинларида фаол иштирок этган тўгарак аъзоларига 1,2,3-даражали диплом ва фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Марказнинг “Ёш мусаввир” тўгараги аъзолари томонидан “Наврўз” умумхалқ байрами билан боғлиқ миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни шунингдек, баҳор фаслига оид гўзалликларни акс эттирувчи расмлар чизишди ҳамда ижодий намуналардан иборат расмлар кўргазмасини намойиш этдилар.

Марказнинг “Инглиз тили” тўгарак аъзолари томонидан классик шоирларнинг Наврўз ва баҳор ҳақидаги ғазаллари, шеърлари инглиз ва ўзбек тилида айтилди.

Марказнинг “Наврўз”, “Юлдуз” ва ўғил болалар рақси ҳамда “Драма” тўгараги аъзолари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Мазкур сайилда барча педагог ходимлар ва марказда фаолият юритаётган тўгаракларнинг 300 нафарга яқин аъзолари иштирок этдилар.

ММОТТЭГ раҳбари

Л.Ҳошимов